

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МОЛИЯ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“МОЛИЯ” КАФЕДРАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Таълим соҳаси: 340000 - “Иқтисод ва бизнес”.

**Таълим йўналишлари: Олий таълимнинг барча таълим
йўналишлари учун**

“МОЛИЯ”

фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири

доц. У.Бурханов _____

«28 » август 2010 й.

№ 1 сонли баённома

Тузувчи:

Доц. А.Норкулов

«28 » август 2010 й.

№ 1 сонли баённома

Тошкент – 2010

1 мавзу: Молиянинг моҳияти ва функциялари.

- 1. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.**
- 2. Молиянинг функциялари.**
- 3. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятлари.**
- 4. Молия ҳақидаги хорижий иқтисодчилар йирик намоёндаларининг назарий қарашлари.**

1. Молиянинг моҳияти.

Молия (арабча-мулк, маблағ) барқарор товар-пул муомаласи шароитларида давлатнинг ривожланиши ва унинг ресурсларига бўлган эҳтиёжларининг ортиши натижасида пайдо бўлди. Молия терминининг келиб чиқиши юзасидан иқтисодчи-олимларнинг турли фикрлари мавжуд. Баъзи бир муаллифлар фикрича, мазкур термин дастлаб XIII-XV асрларда Италиянинг савдо шаҳарларида юзага келган, кейинчалик халқаро миқёсда тарқалган ва аҳоли билан давлат ўртасида пул муносабатлари тизими билан боғлиқ тушунча сифатида қўлланила бошланган¹. Бошқа муаллифларнинг таъкидлашларича, мазкур тушунча муомалага француз олими Ж.Боден томонидан унинг 1755 йилдаги “Республика ҳақида олти китоб” номли асарида илк бор киритилган².

Давлатнинг вужудга келиши, унинг барча оқибатларидан ташқари, яратилаётган иқтисодий неъматларнинг олий ҳукумат сифатида давлат ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг қолган субъектлари ўртасида тақсимланиши ва қайта тақсимланиши бўйича маълум ўзаро муносабатларни ўрнатишни талаб этади. Айнан мана шу муносабатлар «молия» тушунчаси орқали ифодаланган.

Натурал муносабатлар устун бўлган жамиятларда қайта тақсимлаш жараёнлари, аввало, натурал солиқлар ва турли хилдаги шахсий итоаткорлик хусусиятларини ифодалаган. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши қайта тақсимлаш муносабатлар шакллариининг ўзгаришига олиб келди, улар энди асосан пулли хусусиятга эга бўлди. Бироқ, мазкур муносабатлар мазмуни тубдан ўзгармади.

Шу билан бир вақтда, жамиятда яратилаётган иқтисодий неъматларни ҳар қандай қайта тақсимлаш жараёнларини молия билан айнан бирдай кўриш тўғри бўлмайди. «Молия» термини унинг ҳозирги замон талқини нуқтаи назаридан давлат хазинаси аҳамиятиниинг ўсиши ва давлат бюджетининг пайдо бўлиши босқичига хосдир.

¹ Поляк Г.Б. Финансы. Денежное обращение. Кредит.. Учебник для ВУЗов. М.: ЮНИТИ, 2001. – 25 –бет.

² Финансы: Учебник для ВУЗов / Под ред. М.В.Романовского и др. М.: ФиС, 2000. - 44-бет.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётида молиянинг моҳиятини талқин этишнинг турли қарашлари мавжуд³. Ушбу қарашлардаги умумий асос сифатида пул шаклидаги қиймат майдонга чиқади. Товар шаклидаги қиймат молиявий муносабатларнинг бош омили ҳисобланмайди ва жамият тараққиёти иқтисодий асосларининг тубдан ўзгарганлиги билан боғлиқдир.

Хорижлик иқтисодчи-олимлардан Э.Боди ва Р.К.Мертонлар молиянинг моҳиятини изоҳлашга ўзига хос тарзда ёндошганлар. Уларнинг фикрича, «Молия (finance) – кишиларнинг маълум вақт давомида ўта тақчил бўлган пул ресурсларининг келиб тушиши ва ишлатилишини қай тарзда бошқаришлари ҳақидаги фандир⁴». Муаллифлар таъкидлашларича, молиявий қарорлар яна шу билан хусусиятланадики, харажатлар ва даромадлар:

- даврийлигига кўра фарқланади, яъни ихтиёрий вақтда турли хил ҳажмни изоҳлаш ва ўзаро мос келавермаслиги ҳам мумкин;
- уларнинг аниқ оқибатларини олдиндан айтиб бўлмаслиги.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқотчилар прагматик тарзда молияга қиймат категорияси сифатидаги эскича қарашларини активлар ва рискларни самарали бошқариш ҳамда битимлар тузиш юзасидан молиявий қарорлар қабул қилишга асосланган замонавий ёндошувлар билан мувофиқлаштира олмаганлар.

Демак, таъкидлаш жоизки, «молия» тушунчаси даставвал давлат эҳтиёжларини қондириш мақсадида «пул фондларининг шаклланиши» призмаси остида, кейинчалик эса пул фондларининг ишлатилишини ҳам бирга қўшган ҳолда изоҳланди. Кейинчалик эса мазкур тушунча «давлат молияси» (ингл. “Public Finance”) номини олдики, ҳозирда унинг таркибига умумдавлат ва маҳаллий молия киритилмоқда.

Давлат, маҳаллий ҳокимият органлари даражасида яратиладиган пул маблағлари фондлари – марказлашган фондлар деб, хўжалик субъектлари даражасида, уй хўжаликлари миқёсидаги пул фондлари эса марказлашмаган фондлар деб номланади.

Хўжалик субъектларининг турли фаолиятдан оладиган даромадларидан пул маблағларининг махсус фондлари амортизация ажратмаларининг жамғарилиши, иш ҳақи бўйича қарзлар, бюджетга ва нобюджет фондларга тўловлар бўйича қарзлар, шу билан бирга фойда кўринишида шаклланадики, унинг бир қисми солиқ тизими орқали давлат органлари ихтиёрига ўтади, қолган қисми эса тадбиркорлик даромади сифатида, дивидентлар ва ҳ.к.лар кўринишида такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сафарбар этилади. Шунини таъкидлаш жоизки, мазкур фондларнинг шакллантирилиши қатъий белгиланганлик хусусиятига эгадир ва бу ҳолат молиявий муносабатларнинг яна бир муҳим фарқли белгисини ифодалайди.

Молиянинг хусусиятли белгилари қуйидагилардан иборат:


- муносабатларнинг пулли хусусияти;

³ Ўтган асрнинг 90-йилларида қўплаб нашр этилган катор иқтисодчи-олимлар, жумладан, И.Т.Балабанов, А.М.Бабич, В.В.Ковалева, Д.С.Моляков, Л.Н.Павлова, В.М.Родионова, М.В.Романовский ва бошқаларнинг молияга оид ишларига қаранг.

⁴ Боди Э., Мертон Р.К. Финансы./Пер.с англ. Учеб.пособие. М.: Вильямс, 2000.-38-б.

- муносабатларнинг тақсимлаш хусусияти;
- муносабатларнинг фондлик хусусияти.

Мазкур хусусиятли белгиларнинг намоён бўлиши ва уларнинг ҳозирги реал иқтисодий турмушимизда учраши қуйидаги шартли чизмада келтирилади:



Молия дастлаб ҳар қандай пул тўловларини англатган бўлиб, кейинчалик бу тушунча иқтисодий субъектлар ўртасидаги пул муносабатлари тизимининг муҳим элементларидан бирига айланиб қолди.

Аммо, ҳар қандай пул муносабатлари тизими ҳам молиявий муносабатлар ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам, молия ва пул ўртасида ўзаро боғлиқлик билан биргаликда уларнинг маълум фарқлари ҳам мавжуд.

Чунончи, пул-товарлар дунёсидан ажралиб чиққан ва барча товарлар учун умумий эквивалент ролини уйновчи махсус товардир.

Молия эса ўзига хос пул муносабатлари тизимини қамраб олади. Молия давлат ва бошқа иқтисодий субъектлар ўртасида турли хил кўринишдаги пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимидир.

МОЛИЯ – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Молиянинг моддий асосини пул айланиши ташкил қилади.

Пул айланишининг икки хил тури мавжуд:

- Накд пул айланмаси;
- Накд пулсиз айланмалар.

Молия ўзига хос тарихий категория ҳисобланади. Маълумки, пулнинг вужудга келиши ва аҳамияти инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Кишилиқ цивилизациясининг дастлабки даврларидаёқ пул пайдо бўлди, товар-пул муносабатлари юзага келди ва ривожланди, давлатлар шаклланди. Аммо, нима учун молия ўрта арсларда пайдо бўлди деган қонуниятли савол юзага келиши табиийдир. Бу даврда молия юзага келишининг объектив шарт-шароитларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ўша даврларда қатор давлатларда ички зиддиятлар ва муаммолар пайдо бўла бошладики, уларни ҳал қилиш учун давлат йирик миқдордаги пул маблағларига эҳтиёж сеза бошлади.


2. Ўша даврларда пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимли хусусиятга эга бўла бошлади. Ўша даврлардаёқ, харажатларнинг тўрт тури амал қила бошлаган эди: харбий харажатлар, иқтисодий харажатлари, ижтимоий соҳа харажатлари ва бошқарув харажатлари.

3. Ўша даврда солиқ тўловларини ундиришнинг пул шакли устувор тарзда ривожланаётган эди.


Умуман, молиянинг мавжудлиги давлатнинг пайдо бўлиши, товар-пул муносабатларининг вужудга келиши ва иқтисодий қонунларнинг амал қилиши билан белгиланади.

Давлатнинг пайдо бўлиши билан молиянинг пайдо бўлишини изоҳлаш учун давлатнинг жамият иқтисодий тизимидаги роли ва унга тегишли бўлган функцияларни асослаш лозим.

Давлатнинг иқтисодий роли жамият иқтисодий тизимида мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, институционал ўзгаришлар, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик меъёрларини таъминлашдан иборатдир.



Давлатнинг иқтисодий роли унинг қуйидаги функцияларида намоён бўлади: тартибга солиш, қайта тақсимлаш, ижтимоий, назорат.



Тартибга солиш функцияси: Давлат иштироки зарур бўлган шундай соҳалар мавжудки, уларнинг тўлақонли амал қилишида давлат иштироки белгиловчи аҳамият касб этади (масалан, мудофаа, давлат бошқарув аппаратини сақлаш, ижтимоий соҳалар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимлари ва бошқалар). Давлат турли хил институционал тизимлар

воситасида иқтисодий сиёсатни амалга оширади. Давлатнинг тартибга солиш функциясининг бажарилиши тартибга солишнинг қатор соҳаларида таъминланади: давлат молияси, пул муомаласи, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, валюта курслари, иқтисодий ҳавфсизлик ва бошқалар.

Қайта тақсимлаш функцияси. Яратилган миллий даромад ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида қайта тақсимлашнинг объекти ҳисобланади. Бунда қайта тақсимлаш механизмининг воситаси ва ижрочилари сифатида солиқ тизими ҳамда бюджет тизими майдонга чиқади.

Ижтимоий функция. Ўтиш даврининг асосий муаммоси ҳисобланувчи ижтимоий ҳимоя тизимларини шакллантириш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиш давлатнинг асосий функцияси ҳисобланади. Бу функциянинг амал қилиш механизми давлатнинг қуйидаги йўналишлардаги аниқ тадбирлари орқали таъминланади: ижтимоий трансфертлар тизими, республика ва маҳаллий даражадаги ижтимоий дастурлар, адресли ижтимоий ёрдамлар.

Давлатнинг иқтисодий роли ва функцияси ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг молиявий сиёсатини ва молиявий усулларини аниқлаб беради.

Маълумки, молия юзага келишининг ва мавжудлигининг муҳим омили сифатида товар-пул муносабатларининг мавжудлиги таъкидланади. Албатта, пул муносабатларининг молия мазмунини изоҳлашдаги муҳим ролини таъкидлаган ҳолда унинг айрим жиҳатдаги чегараланишини ва бунга оид мезонларни фарқлаш лозим. Дарҳақиқат, ҳар қандай пул муносабатлари ҳам молиявий муносабатлар таркибига киритилмайди. Масалан, банк кредитларини олиш ва уни қайтариш жараёни, кредиторлик қарзларини тўлаш жараёнидаги пул муносабатлари молиявий муносабатлар категориясига киритилмайди. Молиявий муносабатлар категорияси мазмунини аниқловчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги пул муносабатлари қуйидагилардан иборат:

Молиявий муносабатлар.

Корхоналар ва бюджет ўртасидаги барча турдаги тўлов турлари.	Корхоналар ва бюджетдан ташқари фондларга барча турдаги тўловлар ва ажратмалар ва улардан молиялаштириш механизмлари.	Кредитлар бўйича фоизлар тўлаш воситасидаги пул муносабатлари.	Корхоналар билан корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятидаги, яъни хом ашё ва материаллар сотиб олиш, тайёр маҳсулотни сотиш, хизматлар кўрсатиш бўйича пул муносабатлари.
--	---	--	--

Корхоналар тайёр маҳсулотни сотиш натижасида пул тушумларига эга бўладиларки, уларининг бирламчи ва қайта тақсимланиши ҳам молиянинг объекти бўлиши мумкин.

Кундалик хўжалик амалиётида молия категориясининг назарий тавсифида молиявий муносабатлар пайдо бўлишининг аниқ шакллари муҳим аҳамият касб этади.

Молия категорияси ва молиявий муносабатларнинг пайдо бўлиш шакллари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлиб, бу фарқлар қуйидагилар билан белгиланади:

- молия категорияси доим объективдир;
- молиявий муносабатларнинг пайдо бўлиш шакллари инсонлар фаолияти билан боғлиқ субъектив хусусият касб этади.

Умуман, молиянинг иқтисодий моҳияти масаласига оид қарашларни қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Молиянинг тақсимлаш назарияси.

2. Молиянинг такрор ишлаб чиқариш назарияси.

Тақсимлаш назарияси тарафдорлари тасдиқлашларича, молия ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимлаш босқичидагина пайдо бўлади, яъни ялпи ички маҳсулот қийматини қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келади.

Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорларининг фикрича эса, молия иқтисодий категорияси сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи пул муносабатларидир.

2. Молиянинг функциялари.

Молиянинг иқтисодий категория сифатидаги табиати ва моҳияти унинг бажарадиган функцияларида намоён бўлади.

Функция объект ички моҳияти конкрет шаклининг намоён бўлиш жараёнидир.

Молиянинг функцияларини билиш молия сиёсатини амалга ошириш учун зарурдир. Молия фани нуқтаи-назаридан давлат молияси, хўжалик субъектлари молияси ва уй хўжаликлари молияси функцияларининг маълум даражада бирлиги мавжуд. Шу билан бир вақтда, улар ўртасида фарқлар ҳам мавжудки, бу ҳолат бир томондан, умумдавлат манфаатларидан ва бошқа томондан эса, корхоналар фаолиятининг тадбиркорлик жиҳатлари ҳамда фуқаролар шахсий манфаатларидан келиб чиқади.

Молиянинг функциялари юзасидан иқтисодчи-олимлар ўртасида қатор баҳсли ҳолатлар мавжуд.

Бир қатор таниқли молиячилар молиянинг учта функцияси мавжудлигини эътироф этишади.

А.М. Бирман молиянинг қуйидаги функциялари мавжудлигини эътироф этади:

- хўжалик юритиш жараёнини пул маблағлари билан таъминлаш;
- назорат;
- тақсимлаш.

А.М. Александров ва Э.А. Вознесенский тасдиқлайдики, молия қуйидаги функцияларни бажаради:

- пул фондларини шакллантириш;
- шакллантирилган пул фондларидан фойдаланиш;
- назорат.

И.Т. Балабановнинг фикрига кўра, бозор иқтисодиёти шароитида молиянинг тақсимлаш функцияси ўзининг мазмунини йўқотади.

Иқтисодчи В.М. Родионованинг фикрига кўра, молия тақсимлаш ва назорат функцияларини бажаради.

А.М.Бабич, Л.Н.Павловаларнинг фикрича, бутун молия тизими учун қатор функциялар – режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир⁵.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар молиянинг тақсимлаш ва назорат функцияларини бажаришини эътироф этишади.

Иқтисодий субъектларнинг асосий манфаати фойда олиш ҳисобланади.

Фойда марказлаштирилмаган пул фондларининг асосий молиявий манбаидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик кўп укладли шакллари пайдо бўлиши ва бозор иқтисодиётининг амал қилиши тўлиқ иқтисодий мустақилликни таъминловчи демократик тизимни шакллантиришни объектив зарур қилиб қўяди. Бундай шароитда иқтисодий субъектлар фаолиятининг молиявий натижалари, яъни тадбиркорлик фойдасини тақсимлаш улар томонидан қабул қилинадиган молиявий қарорларга боғлиқдир.

Турли даражадаги кўп сонли фондларни шакллантиришнинг асосий молиявий манбалари нима ҳисобланади?

Албатта бунда макродаражада ялпи ички маҳсулот энг биринчи манба бўлиб ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш жараёни турли хил молиявий воситалар: меъёрлар, ставкалар, тарифлар, ажратмалар ва бошқа молиявий инструментлар воситасида амалга оширилади.

Микродаражада эса унинг манбаи корхоналар пул даромадлари ва жамғармалари ҳисобланади.

Молиянинг назорат функцияси – бу объектив тарзда амал қилувчи пул муносабатлари жараёнларини назорат қилишдир.

Молия назорат функциясининг объекти бўлиб хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий натижалари ҳисобланади.

Нazorat функцияси воситасида эса, пул фондларининг шаклланиши жараёнларини иқтисодий қонуниятлар, меъёрлар асосида амалга оширишни назорат қилади.

3. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда молиядан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятлари.

Юқорида таъкидланганидек, молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг мутлақ шарт-шароитлари ушбу категориянинг тақсимлаш

⁵ Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы: Уч.- М.:ИД ФБК – ПРЕСС, 2000,-17-б.

ва молиявий назорат функцияларида акс этади. Улардан биринчиси, молиявий маблағлар ва мақсадли пул фондларининг ижтимоий ишлаб чиқариш умумий эҳтиёжлари ва алоҳида тузилмалари талабларига биноан шакллантириш зарурлигини ифодаласа, иккинчиси, жамиятдаги иқтисодий жараёнлар боришини акс эттириб, иқтисодиётда ва унинг айрим соҳаларида рўй бераётган барча жараёнларни қайд этиб боради.

Молия муносабатларининг у ёки бу шакли шундай хусусиятга эгадир. Сифат жиҳатидан молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг объектив шарт-шароитларини руёбга чиқариш молиявий маблағлар муомаласи қандай аниқ шаклларда рўй беришига боғлиқ бўлади.

Айни ташкилий шакллар туфайли молиявий маблағлардан фаол фойдаланишнинг потенциал имкониятлари реал воқеликка айланади. Кундалик ҳўжалик фаолиятида молиявий маблағлар категориясининг ўзигина эмас, балки молиявий муносабатлар юзага чиқишининг аниқ шакллари муҳим бўлиб, бу мазкур шакллар давлат томонидан белгиланади.

Давлат, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳўжалик субъектлари, жисмоний шахслар тасарруфидаги пул маблағлари мажмуаси молиявий ресурслар деб аталади. Молиявий ресурслар манбалари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Хўжалик субъектлари миқёсида: фойда, амортизация фонди, қимматли қоғозлар реализациялари, банк кредитлари, фоизлар, дивидендлар;

- Жисмоний шахслар миқёсида: иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, сафар ҳаражатлари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;

- Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари миқёсида: давлат унитар корхоналари фойдаси, давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар, ташқи иқтисодий фаолиятдан даромадлар, солиқ тушумлари, давлат кредити, пул эмиссияси.

Молиявий ресурслар иқтисодиётга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу икки нарсга боғлиқ, биринчидан, молиявий ресурслар тақсимот категорияси булгани ҳолда ишлаб чиқариш жараёнига умумий хизмат курсатади. Уларнинг таъсири доираси тақсимот айирбошлаш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа даражаларига таъсири билан чекланмайди ва иккинчи, молиявий ресурслар тақсимлаш хусусиятидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларнинг катализатори хусусиятига эга эканлиги билан белгиланади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиявий таъминлаш – бу такрор ишлаб чиқариш ҳаражатларини молиявий ресурслар ҳисобига қоплашдир.

Молиявий ресурсларнинг манбалари куйидагилардан иборатдир:

- Миллий даромад;
- Ташқи иқтисодий фаолиятдан тушумлар;
- Миллий бойликнинг бир қисми;
- Қарзга олинган маблағлар.

Молиявий ресурслар ўзининг давлат ва ҳўжалик субъектлари қўлида шаклланишига қараб *макродаражадаги молиявий ресурслар* ва *микродаражадаги молиявий ресурсларга* бўлинади. Чунки, ЯИМнинг

таксимланиши натижасида давлат пул фондлари, аҳоли жамғармалари, корхона ва ташкилотлар жамғармалари ҳосил бўлади.

Молиявий ресурсларнинг элементлари қуйидагилардан иборат:

- фойда;
- турли солиқлар;
- суғурта ташкилотлари ва кредит муассасаларининг маблағлари;
- амортизация ажратмалари;
- ташқи иқтисодий фаолиятдан тушумлар;
- аҳоли жамғармалари.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни ҳаражатларини таъминлаш тўрт шаклда амалга оширилади:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш. Бунда корхоналар такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарурий ҳаражатларни ички молиявий ресурслар ҳисобига қоплаши мумкин. Унинг молиявий манбаи корхоналар фойдаси ва амортизация ва бошқа ўзига тегишли молиявий ресурслар ҳисобланиши мумкин.

2. Кредитлаш. Бунда хўжалик субъекти ҳаражатларни муддатлилик, қайтарувчанлик, мақсадлилик ва таъминланганлик шакллари асосида банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредитлари эвазига қоплайдилар. Унинг молиявий манбаи ссуда капитали ва шакллантирилган ссуда фондлари ҳисобланади.

3. Жалб қилинган маблағларни шакллантириш. Бунда такрор ишлаб чиқариш жараёни ҳаражатлари молиявий бозорларга қимматбаҳо коғозлар чиқариш йули билан қопланиши мумкин. Унинг молиявий манбаи фиктив капитал ҳисобланади.

4. Давлатдан молиялаштириш. Бунда барча ҳаражатлар бюджет ва бюджетдан ташқари бошқа давлат фондлари воситасида қопланади

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз молиялаштиришда молиявий захиралар катта аҳамиятга эгадир.

Молиявий захиралар - давлат ва хўжалик субъектлари қўлидаги пул ресурсларининг бир қисми бўлиб, ўз эгасининг айланма маблағлари оборотида вақтинчалик катнашмайдиган пул ресурсларидир.

4.Молия ҳақидаги хорижий иқтисодчилар йирик намоёндаларининг назарий қарашлари.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида иқтисодий назарияларда молиявий концепциялар муҳим ўрин эгаллади ва умуман бюджетнинг иқтисодиётга таъсири муаммосини сиёсий иқтисод классиклари (Буюк Британияда- У.Петти, А.Смит ва Д.Рикардо, Францияда- П.Буагильбер) чуқур ўрганган эдилар.

Молия фанининг асосчиларидан бири Адам Смит (1723-1790) ўзининг «Халқ бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақидаги тадқиқот» (1776) асарида давлат молиясининг моҳияти ҳақидаги муҳим асосларни ишлаб чиқдики, ушбу таълимот ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш

меҳнати ҳақидаги ғояга асосланади. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш (унумли) меҳнати – бевосита капиталга айирбошланадиган меҳнатдир, ноишлаб чиқариш (унумсиз) меҳнат эса – даромад учун, яъни иш ҳақи ва фойда учун меҳнатдир. Мазкур назария ғояга асосланиб, А.Смит (унинг кетидан Д.Рикардо) молиявий категориялар (давлат даромадлари ва харажатлари) га тавсиф берди. У солиқлар ҳисобига олинган давлат даромадларининг барча ёки деярли барча қисми ноишлаб чиқариш (унумсиз) меҳнат учун сарфланишини исботлади. Шунинг учун унинг фикрича давлат харажатлари капиталининг жамғарилиши ва миллий даромад ўсиши имкониятларини камайтиради. Айнан мана шундан унинг солиқларга нисбатан салбий муносабати келиб чиқди. А.Смит яратилган қийматни унумсиз сарфланишига олиб келувчи ва бунинг асосида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига ғов бўлаётган давлат харажатларини камайтириш зарур деган хулосага келди.

Давлат харажатлари сиёсатини танқид қилар экан А.Смит уларнинг маълум қисми ишлаб чиқаришнинг умумий шароитини муҳофаза этиш нуқтаи-назаридан зарурийлигини тан олган эди. А.Смит иқтисодий қарашларида солиқ назариясига алоҳида эътибор беришди. У солиққа тортишнинг мақсадга мувофиқ тизимини ташкил этишнинг тўрт асосий тамойилини ишлаб чиқди:

- ◆ солиқларнинг солиқ тўловчилар имкониятларига қараб тўланиши;
- ◆ солиқларнинг миқдори ва уларни тўлаш муддатларининг олдиндан аниқ белгилаб қуйилиши;
- ◆ солиқларнинг солиқ тўловчи учун қулай вақтда тўланиши;
- ◆ солиқлар йиғишда харажатлар минимал бўлишининг таъминланиши.

Тарихан ушбу тамойиллар янги шаклланиб келаётган буржуазия синфи эҳтиёжларини акс эттириб, дворянлик ва диний идораларнинг феодал тузумининг асосий ижтимоий гуруҳлари сифатидаги имтиёз ва енгилликларини бартараф этишга қаратилган эди. А.Смит ишлаб чиққан ушбу тамойиллар буржуа давлатлари томонидан солиқ сиёсатини юритишда қўлланилди. Турли солиқ турлари (эгри солиқлар, иш ҳақиға солиқ)ни таҳлил қилар экан, А.Смит уларга жамият иқтисодий тараққиёти нуқтаи-назаридан баҳо берди. Истеъмол товарларига эгри солиқлар улар баҳосининг ўсишига олиб келдики, бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажатлари янада ўсди ва оқибатда уларнинг сотилиши ва истеъмол даражаси пасайди. Иш ҳақиға солиқни ўрганар экан, А.Смит уни иқтисодиёт учун зарарли деб ҳисоблади, чунки ишчи даромадини солиққа тортиш унинг фикрича, тадбиркор ва аванслаган капиталнинг ўсишига ёки ишчи кучи харид қуввати ва имкониятининг пасайишига олиб келадики буларнинг ҳаммаси бозор талабига салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, А Смитнинг солиқ концепцияси фақат ягона мақсадга- капитал жамғарилишини рағбатлантириш ва ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган эди.

Давид Рикардо (1772-1823) ҳам ўзининг «Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши» номли бош асарида умуман юқоридаги фикрни қўллаб қувватлади. Меҳнатнинг қиймат назариясидан келиб чиқиб, у «барча солиқлар ё капитал ёки даромадга бевосита таъсир кўрсатади» деб ҳисоблаган эди. Агар солиқлар капиталдан олинса-унумли меҳнатни сақлаш учун қаратилган фондни камайтиради.

Солиқларнинг даромадлардан тўланишида эса капиталнинг жамғарилиши ёки солиқ тўловчининг истеъмоли камаяди. Бирламчи эҳтиёж товарларига солиқ солиш улар баҳосининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмолчилар зарар кўради. Д. Рикардо фикрича товарлар ва иш ҳақиға солинган ҳар қандай солиқ иш ҳақининг ўсишига ва фойданинг камайишига олиб келади.

Шу муносабат билан Д.Рикардо «солиқлар умуман буюк фандир» деган хулоса қилди. Солиққа тортиш ўсиши ёки ҳукумат харажатларининг ортиши билан халқ истеъмоли камаядики, бу ҳолат ишлаб чиқаришда ўз салбий аксини топади. Шунинг учун ҳукуматнинг вазифаси капитал жамғарилишини рағбатлантиришдир. Мамлакат келгуси ишлаб чиқаришини таъминлаш лозим бўлган фойда солиққа тортилмаслиги лозим деб таъкидлаган эди Д. Рикардо. Шундай қилиб, классик буржуа сиёсий иқтисоди (А.Смит ва Д. Рикардо, уларнинг издошлари) умуман давлат харажатлари ва солиқларга нисбатан иқтисодий сиёсатнинг концепциясини аниқлаб берди. ХУІІІ аср охири ва ХІХ аср бошларида қатор илғор давлатларнинг молиявий сиёсати янги синф- буржуазия манфаатларини ифода этиб, давлатнинг мамлакат хўжалик ҳаётига аралашмаслик тамойилига асос солдилар.

Янги тарихий мактаб концепциялари.

1870 йилларда янги тарихий мактаб вужудга келдики, унга немис олимлари (Г.Шмоллер, М.Вебер, А.Вагнер ва бошқалар) асос солдилар. Давлат молиясини тадқиқ этиш билан кўпроқ А.Вагнер шугулланди ва «давлат ердамида капитални жамғаришнинг янги имкониятлари» ҳақидаги фикр ва мулохазаларини таклиф этди. Давлат фаолияти ҳажмини (маъмурий, ижтимоий –маданий, инвестицион ва х.к) кенгайтириш нуктаи назаридан келиб чиқиб у солиққа тортишнинг 9 та тамойилини ишлаб чиқди ва уларни тўртта бўлимга гуруҳлаштирди: -етарлилик ва ҳаракатчанлик;

- тегишли манба ва объектнинг танлаб олинувчанлиги;
- умумийлик ва тенглик;
- аниқлик, қулайлик ва арзонлик.

Моҳиятан ушбу тамойиллар илгаридан маълум бўлган А.Смитнинг тамойилларини тўлдирди. Буржуа сиёсий иқтисодий классиклари кетидан А.Вагнер ҳам «молия – давлат томонидан мамлакатда даромадлар ва бойликни адолатли тақсимлашга эришиш учун ишлатилади» – деган

хулосага келди.

Дж.Кейнс назарияси.

Капиталистик ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим зарурияти сифатида вужудга келган инглиз иқтисодчиси Джон Мейнард Кейнс (1883-1946) иқтисодий таълимоти давлат молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва молиявий концепциянинг шаклланишига улкан ҳисса қўшди. Кейнсча тавсиялар турли мослашувлари билан узок давр мобайнида кўпчилик давлатлар амалиётида қўлланилиб келинди. Дж.Кейнс молиявий концепциясининг асосида «Самарали талаб» ғояси ётади.

Дж.Кейнс ўзининг назарияси билан иқтисодиёт огир циклли инқироз (1929-1933) ни бошидан кечираётган ута мураккаб шароитда чиқди ва унинг асосий ғояларини ўзининг «Бандлик, фоииз ва пул умумий назарияси» (1936) номли асарида еритди. Бу асарда нобарқарор ривожланиш шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг зарурийлиги асосланган. Давлат харажатларининг солиқлар ва заемлар ҳисобига ўсиши тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш ва миллий даромад ўсишини таъминлашга ҳамда ишсизликни бартараф этишга кўмаклашади. Ушбу мақсадга эришиш учун Дж.Кейнс фикрича, давлат ўз харажатлари даражасини кўтарибгина қолмай шахсий ва инвестицион истеъмолга ҳам таъсир этмоғи лозимдир.

Дж.Кейнс солиқлар ва уларнинг асосий «психологик қонун»га таъсири муаммосига алоҳида аҳамият бердики, бунга кўра, кишилар ўз эҳтиёжини даромад ўсиши суръатларидан ортмаган миқдорда оширишга мойилдирлар. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\text{Жамғармалар} + \text{Солиқлар} = \text{Инвестициялар} + \text{Давлат харажатлари}$$

Шундай қилиб, Дж. Кейнс монополистик ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган молиянинг бутунлай янги назариясини ишлаб чиқди. 1970-йилларга қадар кўпчилик саноати ривожланган мамлакатлар молия сиёсатининг асосини кейнсча тартибга солиш назариясининг асосий ғоялари ташкил этди.

Янги кейнсчилик назариялари.

50-60 йиллардаги Кейнснинг издошлари унинг таълимотига янги динамик элементни қўшдиларки, бу нарса иқтисодий ўсиш назариясини яратиш учун имкон берди. Ушбу таълимотда кўпчилик мамлакатлар иқтисодчилари (А.Хансен, С.Харрис – АҚШ; Р.Харрут, А.Илерсик, А.Пиккок - Буюк Британия; Ф.Перру - Франция; Ф.Неймарк - Германия) томонидан ишлаб чиқилган концепция муҳим ўрин эгаллади. Ушбу концепция циклли инқирозларга қарши фискал назарияни яратиш учун асос бўлдики, унинг моҳияти мувозанатлашган иқтисодий тараққиёт мақсадларида давлат даромадлари ва харажатларини ўзгартиришга қаратилган.

Янги кейнсчилар самарали талабга эришиш усули сифатида «тақчилли молиялаштириш» ғоясини ёқлаб чиқдилар. Улар давлат қарзининг ўсиши билан ҳисоблашишмай катта давлат харажатлари

зарурлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Бироқ, доимий хусусият касб этувчи бюджет тақчилликлари иқтисодчи олимларнинг маълум гуруҳини жумладан Стокгольм мактаби вакиллари (Э.Линдаль, Г.Мюрдаль ва бошқалар)ни бюджет муаммосини янгича ҳал этишга мажбур қилди. Ушбу мактаб вакиллари «бюджетни цикли баланслаштириш» назариясини таклиф этдиларки, бунда давлат даромадлари ва харажатларини иқтисодий циклга мослаштиришни талаб этдилар. Давлат инқироз даврида юзага келган тақчилликларни иқтисодий ўсиш даврларидаги ортиқча маблағлар ҳисобига қопламоғи лозим. Ушбу таклифдан келиб чиқиб қатор ривожланган давлатлар ҳукуматлари циклик тартибга солишнинг махсус пул фондларини ташкил этдилар. Мазкур фондлар маблағлари иқтисодиёт ўсиши даврларида тўлдирилиши ва ишлаб чиқариш суръатлари пасайиши даврида ишлатилиши кўзда тутилган.

Янги кейнсчиларнинг ҳўжаликни тартибга солиш ва рағбатлантиришда давлат бюджетидан фаолроқ фойдаланиш ҳақидаги таклифи «самарали бюджет воситалари» назариясида ўз аксини топди.

Неоклассик оқим вакилларининг таълимотлари.

Урушдан кейинги йилларда янги кейнсчилик оқими қарашлари билан бир қаторда давлат орқали тартибга солишни чегаралашда эркин тадбиркорлик ғояларини тарғиб қилувчи неоклассик назариялар ҳам анча жонланди. Неоклассик мактаб назариётчилари (Р.Слоу, Дж.Кенрик – АҚШ; А.Роббинс, Дж.Мид – Буюк Британия) давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигининг асосий тамойилини ҳимоя қилиш давлат харажатлари умумий ҳажмини камайтириш, шу билан бир вақтда маориф фанга харажатлар улушини ошириш йўли билан улар таркибини ўзгартириш тарафдоридирлар. Ушбу иқтисодчи олимлар қарашларида «инсон капиталига инвестициялар қилиш»га алоҳида эътибор қаратилди. Бир вақтнинг ўзида солиқларни камайтириб, бироқ бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик сиёсати талаб этилди. Мазкур таълимотни молиявий концепциясига кўра иқтисодий ўсиш омонатлар ва жамгаприш орқали таъминланади. Давлат солиқ тизими орқали бутун мамлакатни инвестиция билан таъминлашга етарли бўлган жамғармалар шаклланишига зарур шароитларни яратиш лозим. Давлат ва унинг молия тизими зиммасига ФТП ни рағбатлантириш масаласи юклатилди. Умуман давлатнинг роли минимал даражага келтирилган. Мазкур таълимот тарафдорларининг айримлари давлатни «тунги қоровул ва миршаблик» функциялари билангина чеклаб қуйишни талаб қилдилар.

Америкалик иқтисодчи А.Леффернинг солиқ концепцияси юксак баҳоланиб кенг тарқалдики, унда муаллиф график модели асосида қуйидагича хулосага келди: юқори солиқ ставкалари иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир этмоқда. Мазкур олим таклифлари 1980-90 йилларда кўпчилик мамлакатларда ўтказилган солиқ ислохотларининг асосини ташкил этди.

Посткейнсчилар таълимотлари.

Кейнсчилик оқими неоклассик мактаб ривожланишига қарамай янги

шароитларга мослашган ҳолда бирмунча такомиллаша борди. 1970 йилларда посткейнсчилик йўналиши шаклландики, унинг йирик вакиллари сифатида Буюк Британияда - Н.Калдор, Г.Шэкл, АҚШда – Х.Минский, Р.Клауер ва бошқалар анча унумли изланишлар олиб бордилар. Мазкур йўналиш вакиллари неокейнсчиларни ҳам неоклассик мактаб қарашларини ҳам қаттиқ танқид қилдилар.

Посткейнсчилар таълимотининг асосида ҳамон – молия механизми ёрдамида иқтисодиётга давлат аралашувини кенгайтириш ғояси ётар эди. Молиявий сиёсат белгиловчи ва асосий бўлмоғи лозим. Солиққа тортишнинг энг яхши усули сифатида харажатларга солиқ солиш лозимлигини таъкидлайди. Ушбу тадбир жамғаришни рағбатлантириш ва инфляцияни юмшатиши мумкин.

Н.Калдорнинг ушбу ғоялари ғарб олимлари томонидан қўллаб қувватландики, натижада улар солиқ тизимини соддалаштириш ва харажатлар учун ягона солиқни жорий қилиш истаги билан чиқмоқдалар. Бундан ягона солиқ объекти сифатида аҳолининг истеъмол харажатлари таклиф этилаётир.

XX аср охирида иқтисодий фан умуман, бозор тизимига, бизнес қонунларига, иқтисодиётнинг исталган тармоқ ва соҳаларида амалий фаолиятга асосий эътиборни қаратмоқда. Шу билан бир вақтда америкалик машҳур олимлар К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюларнинг «Экономикс: тамойиллар, муаммолар, сиёсат» номли асарида таъкидлашларича «моддий эҳтиёжлар чексиз, бироқ ресурслар чеклангандир». Шунинг учун иқтисодий жараёнларни тартибга солиш доимий талаб этилади ва иқтисодиёт тараққиётнинг турли босқичларида унинг даражаси фарқланади. Хорижий давлатлар ҳозирги замон молия фанида фикр ва ғоялар қарама-қаршилиги ва мактаблар ўртасидаги доимий баҳслар кучайишига қарамай конвергенция жараёни кузатилмоқда. Жумладан, кейнсча назариялар неоклассик оқимга, неоклассик ғоялар эса кейнсча қарашларга қўшилиб кетаётир. Бу аввало молия-кредит, пул механизмига таалуклидир, чунки ушбу муаммо барча ғояларда марказий ўрин эгаллайди.

Хорижий муаллифлар молиявий таълимотлари таҳлили тегишли ҳулосалар чиқаришга имкон беради:

1. Молия соҳасидаги қарашлар тизими умумиқтисодий назариянинг маълум қисми бўлиб, молия фанини бойитишга хизмат қилади.

2. Молиявий таълимотнинг вужудга келиши – мамлакат макро ёки микро кўламдаги иқтисодиёт талабларига жавоб ёки улар алоҳида ижтимоий гуруҳлар буюртмалари маҳсулларидир.

3. Молиявий тавсиялар, агар амалий аҳамиятга эга бўлса, давлатнинг иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш стратегияси сифатида чиқади ва молиявий сиёсатнинг асосини ташкил қилади.

4. Хорижий олимларнинг молиявий ғоялари иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини таъминлашга ва инсоният турли эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашади.

